

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (10.950)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Бу байрам — барчамизники,
бутун халқимизники



Кечка сатрларда

● **ЎТГАН** кунни Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов номи маҳаллада «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир «Маҳалла — муқаддас маскан» деб номланди.

● **КЕЧА** Учтепа туманида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида «Маҳалла куни» тадбири уюштирилиб, унда туман маҳаллаларининг оқсоқоллари, фаоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, маслаҳатчилар иштирок эттиди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Меҳр нури» жамғармаси ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида аёллар ўртасида танлов эълон қилинди.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида уюштирилган тадбир суд-ҳуқуқ тизимига амалга оширилган ислохотларнинг аҳамиятига бағишланди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида ўтказилган матбуот анжуманида Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида сув танқислигининг олдини олиш чоралари ҳақида муфассал фикр юритилди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан Учтепа туманида истиқомат қилаётган аёллар «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳомийлигида тиббий кўриқдан ўтказилди.

● **КАМОЛОТ** ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан 16 ёшли ўсирилган ўртасида илк марта бадминтон бўйича тақдирлаштирилган «Камолот» Кубогининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида фаол ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок эттиди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Журжоний маҳалласида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар ҳамда Учтепа туман бўлимидаги Кенгашилар ҳамкорликларида ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш мақсадида уюштирилган давра суҳбатига Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳам иштирок эттиди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги Абай, Хусайн Бойқаро маҳаллалари болалари иштирокида спорт мусобақалари ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

Мустақиллик айёмининг 16 йиллик шодиёналари тобора яқинлашаётган ушбу кунларда пойтахтимиз ободлиги, гуллаб-яшнаши, ривож топиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, бир сўз билан айтганда барча соҳаларда катта ютуқларга эришишида ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлган Собир Раҳимов туманида ҳам энг улуг байрамга катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Собир Раҳимов тумани 1970 йилда ташкил топган бўлиб, умумий майдони 3.45 минг гектарни ташкил қилади. Аҳолиси эса 297.8 минг нафар бўлиб, улар 58 та маҳалла ва кўп қаватли уйларда бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаб келмоқдалар. Туманда асосий йирик саноат корхоналари сони 15 тани ташкил этиб, 2007 йил январь-июнь ойларида 52,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 123,1 фоизни ташкил этди. Албатта бунда «Ирригация бўйича ДМКБ» ҚҚ — 107,1 фоиз, «Байтекс тижарет» ХК — 177,6 фоиз, «Сағбон текстиль» МЧЖ ҚҚ — 169,6 фоиз, «Галеника» МЧЖ — 156,5 фоиз, «Колор флекс» ҚҚ — 156,0 фоиз, «Оникс» АЖ — 126,3 фоиз каби бир қатор корхоналарнинг улуши катта бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 56,8 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 26,3 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102,8 фоизга тенг бўлди ёки 722,1 миллион сўмга кўп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 86,3 минг сўмни ташкил этди.

Туманда фаолият кўрсатаётган «Оникс» АЖ корхонасига янги технология ва ускуналар жалб этилиши натижасида 50 га яқин янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди. Яъни ҳар хил турдаги маи-

ший эритгичлар, манзарали биллур буюмлари ва идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллаиштириш ҳудудий дастури бўйича туманда маҳаллий хом ашё негизда 1182,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Туман бўйича ташқи савдо айланмаси ҳажми 88,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,1 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаларида экспорт ҳажми 12,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 миллион АҚШ долларига ўсганлигини ёки ўсиш суръати 144,0 фоизни ташкил этганини кўрсатади.

Туман бўйича 170 та чет эл инвесторлари иштирокидаги корхона фаолият кўрсатиб келмоқда, Шулاردан 26 таси янги қўшма корхоналардир. Улар томонидан 10,4 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди, бу эса туман бўйича умумий экспорт ҳажмининг 86 фоизини ташкил этди.

Асосий капитал қўйилмалари 44,5 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан тўғридан-тўғри чет эл сармоялари 19,4 миллиард сўм ёки 12,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Туманда 2246 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

2007 йил январь-июнь ойларида 308 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган ва улар ҳисобига 3176 та янги ишчи ўринлари ташкил этилган. Бу ўтган йилга нисбатан 45,5 фоизга кўпдир.


Тижорат банклари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга 7,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

2007 йилнинг биринчи ярми давомида тумандаги барча пенсия ва нафақа олувчиларга 6,9 миллиард сўм ёки 100 фоиз пенсия ва нафақалар тўланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори бўйича чорак давомида 150 нафар пенсионерга ҳам 8,3 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Тумандаги яратилган, янгилашган, ҳар соҳада ютуқларга эришишга ўз улушини қўшишга интилиш саъй-ҳаракатлари туман аҳолисининг энг улуг ва энг азиз байрамни муносаб, ёруғ юз билан қутиб олишларидан нишондир.

(Собир Раҳимов туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)



ҚОНУНЛАР — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКISTON ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИ — ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ САРИ СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ИЛГАРИЛАБ БОРМОҚДА. АТИГИ 16 ЙИЛ ИЧИДА БАРЧАМИЗ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ЎЗ АКЦИНИ ТОПГАН МИСЛСИЗ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИК. ШУБҲАСИЗ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ЎЗ НАВБАТИДА ҚОНУНЧИЛИК НЕГИЗИНИНГ ҲАМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИНИ, УНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МЕЪЁРЛАРИГА, БУГУНГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИНИ ҲАМ ТАҚЗО ЭТДИ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида жумладан жинсий-процессуал қонунчиликда ҳам анча ўзгаришлар киритилди, суд-ҳуқуқ тизимига олиб борилган либераллаштириш жараёнида натижасида ҳақиқий мустақил ва эркин суд ҳокимияти органи шакллантирилди.

Бу борада ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши меъёрларининг жорий этилиши фикримизга далил бўла олади. Қонунчилик киритилган бу янгиликлар мутахассислар томонидан тарихий воқеа сифатида эътироф этилаётган бўлса, жон ҳақмиётида ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг янада кенгроқ муҳофиза қилинишига асос яратди. Жинсий ва суд ҳуқуқига киритил-

ган бу янги меъёрлар айрим қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилишини кўзда тутган бўлиб, Олий Мажлис Сенатининг охириги, ўзинчи ялпи мажлисида бу йўналишдаги иккита тегишли қонунлар тасдиқлангани ҳам эътиборга лойиқдир. Янги қонунчилик ҳужжатларининг асосий жиҳатларини инобатга олган ҳолда айни пайтда жойларда минтақавий равишда тузилган махсус ишчи гуруҳлари томонидан жамоатчилик орасида тушунтириш ишларининг амалга оширилиши қаторида, бевосита ижрочилар — ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан мазкур қонунчилик меъёрлари талабларининг тўғри ижро этилишини таъминлаш борасида чора-тадбирлар татбиқ этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА ТИЗИМДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛИ ҲАМДА СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Унда Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Тошкент шаҳар, туман ва туманлараро судлар раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда 2007 йилнинг биринчи ярмида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этилаётган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар томонидан муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституцион ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар бераётган самаралар ўлароқ, ўтган олти ой мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 283 миңдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Тамомланган ишларнинг 98 фоизи бўйича даъво қаноатлантирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида барча суд инстанцияларида қўрилган ишларнинг сифати яхшиланди. Агар 2006 йилнинг биринчи ярмида 0,7 фоиз суд қарорлари бекор қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 0,5 фоизни ташкил этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Президентимизнинг «Унни бойитиш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари Самарқанд ун комбинатида бўлиб, унни бойитиш жараёни билан бевосита танишдилар.

● Мамлакатимизнинг энг ноёб тарихий ва архитектура ёдгорликларига бағишланган янги почта маркаларининг тақдими ўтказилди. Тақдимот «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Хоразм филиали бўлими томонидан ташкил этилди ва амалга оширилди. Ҳар бир намоиш этилган тўрт туркумдаги маркаларда учтадан тасвир Тошкент, Бухоро, Қўқон ва Хиванинг қадимий диққатга сазовор жойларига бағишланган.

● «Аммофос» ОАЖнинг экспорт салоҳияти тобора кенгаймоқда. Хусусан, жорий йилда корхонанинг МДХ мамлакатларидаги анъанавий амалий шериклари қаторига Хитой, Эрон ва Афғонистонлик ҳамкорлар ҳам қўшилди. Ҳозирда «Аммофос» ОАЖ йилига 50 миң тоннага яқин фосфор ўғитларини экспорт қилмоқда.

● Сурхондарё вилоят «Юсак парвоз» нодавлат нотижорат ташкилоти ёшлар маркази Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят ва Термиз шаҳар кенгашилари, «Камолот» ЁИХ вилоят Кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Шеробод туманидаги «Сурхон» болалар оромгоҳида давлатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Бу байрам барчамизники — бутун халқимизники» мавзусида тадбир ўтказди.

● Наманган шаҳрида «SILK HEUL» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. 570 миң долларлик технологик жиҳозлар ўрнатилган янги корхонада 200 киши иш билан таъминланади.

● Навоий шаҳрида қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди—йилига 5 миң тонна пахта ни қайта ишлашга мўлжалланган «Қизилқум мануфактураси» деб номланган қўшма корхонани жиҳозлаш ишлари бошланди. Корхона тўла қувват билан фаолият бошласа, вилоятда ишлаб чиқарилган толаннинг 50 фоизини қайта ишлаш имкони туғилади.

● «Қўқон мотор таъмирлаш» корхонасида турли русумдаги автомобиллар двигателларининг гильзалари тайёрлана бошланди. Юртимизга асосан четдан олиб келинадиган бу эҳтиёт қисмлар корхона қошида ташкил этилган «Қўқон қартер плюс» унитар корхонасининг илк маҳсулотлари ҳисобланади.

● Иил бошидан буён «Ипотека банк» томонидан 410 миңга пластик қарточкалар муомалага чиқарилди. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида банк томонидан 1751 та терминал ўрнатилди.

● Ал-Ҳажим Термизий мақбараси ҳудудидан араб (куфий) ёзуви битилган олтин пластинка топилди. Мутахассислар фикрича, пластинка 743 мелодий йилда тайёрланган бўлиб, бўйи 6 миллиметрни, эни эса 7 миллиметрни ташкил этади.

ЖАҲОНДА

● Ливияда 1999 йилдан буён маҳбус сифатида ушлаб турилган болгариялик беш ҳамшира ҳамда яқинда Болгария фуқаролигини олган фаластинлик шифокор кеча ўз юртига қайтарилди. Уларни Триполидан Болгарияга олиб келиш учун Франция Президенти Николья Саркози самолёт жўнатди. Ҳамширалар ва шифокорларнинг юртига жўнатилиши муносабати билан айрим масалаларда Ливияга енгиллик бериш мақсадида Европа Иттифоқи ва Ливия ўртасида меморандум ҳам имзоланди.

● Сербия парламенти Косово бўйича янги йўналишни тасдиқлади. Унга кўра Сербия Косовони ўз ҳудудининг бир қисми деб ҳисобласа-да, бироқ мамлакатга кенг мухторият ваколатларини бериши кўзда тутилган.

● Давлат Кенгашининг мажлисида қилган чиқиси чоғида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедов 2009 йилдан бошлаб Туркменистон ўз гезини Хитойга соатиши бошлангани таъкидлади.

● Кеча Бағдодда АҚШ ва Эрон расмийлари ўртасида Ироқда барқарорлик ўрнатиш масаласи юзасидан музокаралар ўтказилди. Эрон Ироқдаги вазиятни яхшилаш мақсадида АҚШ иштирокида уч томонлама ишчи гуруҳи тузишни таклиф қилмоқда. Таъкидлаш керакики, сўнги 27 йил давомида икки давлатнинг юқори мартабали дипломатлари иккинчи бор учрашишди.

● Индонезия Ҳарбий ҳаво кучларига қаршисиз самолёт парвоз қилганидан сўнг Жакартадан 850 километр узоқликда тўсатдан портлаб кетди ва натижада бир учувчи ҳаётдан кўз юмди. Ҳавода ҳарбий машқларни ўтказётган самолётнинг ҳалокати сабаблари ҳозирча аниқлангани йўқ.

● Фаластиннинг ХАМАС ҳаракати минтақадagi вазиятни барқарорлаштириш бўйича БМТнинг махсус вакили этиб тайинланган Тони Блэр билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 26 июль кунни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

Оз-Оз ўнганлиб доно бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Кариғач, тушундим ёшлик нимадир, Ёшликнинг бахтидан қариллик куйдир.

Гар истар эсанг, ҳамиша хуррам бўлсанг, Етса қадаминг қайга, мукаррам бўлсанг, Пок бўлу ҳалол яшаю илм ўргангил, То тожи башар, Ҳазрати Одам бўлсанг!

Ишқ ул — токи халқ учун саодат бўлсин! Ишқ ул — бу саодат то қиёмат бўлсин! Ул ишқ мени туғди аслида — она эмас, Ул онага минг тахсину раҳмат бўлсин!

Биз ошиқи ишқимиз мусулмон бошқа, Биз заиф ҷумолимиз, Сулаймон бошқа. Биздан сўра куйган дилу сомон юзни, Ким савдо қилар мол била — дўкон бошқа.

Қил яхшилик — яхшиликни билгай дунё, Пойдордир у яхшилик туфайли танҳо. Мол қолди-ку ҳаммадан, қолар сендан ҳам, Колдирди бахил — мол, яхшиликни — доно.

Оламда вафоси йўқ киши кам бўлсин! Ҳар бир куни бевафони мотам бўлсин! Ёд этмади ғамдан ўзга ҳеч кимса мени, Минг тахсину раҳмат сенга, эй ғам, бўлсин!

Бизнинг бу азобларга сабаб тамаъи хом, Ҳалқум ғами, ҳою ҳавасу хирси ҳаром. Кўз ташлаю тўрқовоққа, фикр айла: мудом — Бир дон ила куш қисмати ҳал бўлди — тамом!

Шодликдан ўзга бир ҳаётни билмам, Ғамни эшитиб, кўрмадим ўзин зинҳор.

Сен боқма нечоғлик зүфунун келгай мард, Бок: аҳду вафо ичра нечун келгай мард? Гар аҳду вафо ичра бутун келгай мард, Ҳар қанчаки мактасанг, фузун келгай мард.

Ким кам еса, у зийрагу хушёр бўлади, Ким кўп еса, у аблаху бекор бўлади. Нафсига ружуъ қўйса киши хор доим, Ҳар кимсаки, кам еса, у кам хор бўлади!

Ҳар нарсаки, кўп бўлса агар хор бўлади.

Кўзгу каби борни кўрсатар девона.

Ушшоқ гурунгида қарор ўзгачадир, Бу севги шаробида ҳумор ўзгачадир. Ул илмиқ, мадрасида бўлмиш ҳосил, Бас, ўзгаю ираши гулзузор ўзгачадир.

Соз дўсти мунофиқдан узокроқ юрсанг, Ёри номунофиқдан узокроқ юрсанг. Хоки пойини ўпиб мунофиқ ёрнинг, Ул шеши мунофиқдан узокроқ юрсанг.

Мардлик саналмағай васл излаб чопмоқ, Ҳижрон кунда ҳам мард бўлмоқ лозим.

Кўйингда менга насихату панд на керак? Ишқ захрини тотдим, етар, қанд на керак?

Эл дейди: «Оёғига уринлар занжир», Телба — дил эса, оёқ учун банд на керак?

Ишқ ичра на пастлик, на баландлик бўлгай.

Ишқсиз яшаган кимсанинг умри ёлғон.

Ғам ким ўзи — ҳар дам уни ёд этгаймиз?! Дил хайф унга, тупроққа қориб кетгаймиз!

Бодом эмишу ғам, йўқ эмиш мағзи унинг, Бош эгмаса, янчиб уни ун этгаймиз!


Ишқ асли камол бирлаю дилбар-чи — жамол,

Сўз қайнару дилда, тил уни айттали лол. Борми яна ундан-да ўтар антиқа ҳол: Мен ташнаю қошимда оқар оби зилол.

Ҳар кимсанинг кўксига ушоқ дил бўлгай, Ишқсиз яшамоқ ўшанга мушкул бўлгай. Бул ҳалқама-ҳалқа зулф занжири билан Девона киши бўлса, у оқил бўлгай.

Ишқсиз қувончинг сира афзун бўлмас, Ишқсиз вужуд ҳам ҳўбу мавзун бўлмас. Дарёга ёғар бўлсада юз томчи, Ишқ тўлқинисиз у дурри макнун бўлмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Сўлим оромгоҳларда

ВАТАН МАДҲИ БОЛАЖОНЛАР ТИЛИДА

ЎТИБ БОРАЁТГАН ҲАР БИР ДАҚИҚА БИЗНИ ЭНГ АЗИМ, ЭНГ КЎТЛУҒ САНАГА — ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГА ТОБОРА ЯҚИНЛАШТИРИБ БОРМОҚДА.

Айни кунларда шаҳримизнинг бир қанча болалар оромгоҳларида Ватан мустақиллиги, унинг бугунги нурафшон кунларини мадҳ этувчи турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шаҳримиздаги 235-ўрта умумтаълим мактаби қоши-

да ташкил этилган «Ғунча» болалар оромгоҳида ўтказилган «Ватан озодлиги — болажонлар тилида» деб номланган тадбир ҳам ўзининг маънавий-маърифий жиҳатлари билан ажралиб туради.

Юнусобод туман халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган ушбу кечада оромгоҳ тарбияланувчилари, уларнинг ота-оналари, мактабнинг педагогик жамоаси иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Юнусобод туман ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори Саодатхон Худойқулиеванинг

мамлакатимизда ёш, баркамол авлодни камол топтириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги маърузаси йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

— Бугунги тадбиримизнинг айнан «Ватан мадҳи болажонлар тилида» деб номланишида ўзига хос маъно мужассам, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг Маънавий-маърифий масалалар бўйича бош мутахассиси Муаззамхон Фуломова. — Негаки, руҳий дунёси энди шаклланиб

келаётган авлодни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, истиқлоли ва истиқболи порлоқ юртинг ютқулқони тасаввур этишга имконият яраш таълим жараёнидаги ўзига хос жиҳатлардан бирини ташкил этади.

Дарҳақиқат, ушбу тадбирда иштирок этган болажонлар ўзлари тайёрланган гўзал рақслари, мамлакатимиз раҳбарини эътироф этадиган кўшиқлари, спорт турлари бўйича тайёрлагани қишлари билан йиғилганлар олқилигига сазовор бўлишди.

Хидирали ПАНЖЕВ СУРАТЛАРДА: 235-мактаб қанда ташкил этилган «Ғунча» болалар оромгоҳида бўлиб ўган «Ватан мадҳи болажонлар тилида» тадбирдан лавҳалар

Футбол ОЛИМПИАДА ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ГЕРМАНИЯДА

МАЪЛУМКИ, 2008 ЙИЛНИНГ ЁЗИДА ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА ЁЗГИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ. УШБУ НУФУЗЛИ ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДА ТЕРМА ЖАМОАСИ

ФУТБОЛЧИЛАРИ ЎТҚАЗИЛГАН ИККИТА САРАЛАШ БОСҚИЧИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИБ НАВБАТДАГИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ БЕЛЛАШУВЛАРИГА АЙНИ КУНЛАРДА ГЕРМАНИЯ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДАЛАР.

Шуниси аҳамиятлики, Германияда ўтаётган машғулоти йиғинлари доирасида бешта ўртоқлик учрашувини уюштириш кўзда тутилган эди. Ҳозиргача ана шу учрашувларнинг иккитаси ўтказилди.

Германия иккинчи дивизиони вакили «Бернер» жамоасига қарши биринчи баҳсда майдонга тушган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги олимпияда терма жамоамиз мезбонларга қарши тенгма-тенг, мурасасиз кураш олиб борди. 90 дақиқа мобайнида қизқарлиб ўтган ўйин 3:2 ҳисобида майдон эгаларининг галабаси билан яқунланди. Ҳамюртларимиздан рақиблар дарвозасини Садриддин Абдуллаев ва Одил Аҳмедов аниқ нишонга олишди.

«Зиеген» жамоаси билан уюштирилган иккинчи учрашувда олимпиячиларимиз тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишиб тўлиқ устунликка эришишди. Натижада мезбонлар 1:6 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Рақиблар дарвозасига ҳамюртларимиздан тўпларни Шавкат Саломов (2 та), Фарҳод Тожиёв (2 та), Шаҳзоҳ Эркинов ва Камолитдин Мурзоевлар йўллашди.

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ — ФИФА ТОМОНИДАН ДУНЁ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Тўрт пофона юқоридашди

Аввалги рейтинг рўйхатида 58-ўринда қайд этилган Ўзбекистон терма жамоасига бу сафар 54-ўрин лойиқ кўрилди.

Дарвоқе, айни кунларда Таиланд, Вьетнам, Индонезия ва Малайзия яшил майдонларида ўтказилаётган Осиё чемпионати учрашувларидаги натижалар янги рейтинг рўйхатида ҳисобга олинмаган.

Рейтинг рўйхатини беш қара ҳақон чемпионлигини қўлга киритган Бразилия терма жамоаси бошқариб келмоқда.

Юртдошларимиз МДХ давлатлари орасида Украина ва Россия терма жамоаларидан сўнг учинчи ўринда боришмоқда.

Ақбар Йўлдошев

«ПАНОХ» МУҲЛИСЛАР ЭЪТИБОРИДА

ПОЙТАХТДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САҲЪАТ САРОЙИДА «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН СУРАТГА ОЛИНГАН ЯНГИ — «ПАНОХ» БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Премьерада фильм ижодкорлари, таниқли режиссёрлар, киношунослар ҳамда минглаб муҳлислар иштирок этди. «Панох» бадиий фильмининг асосий қаҳрамонларини талқин этган истеъдодли актёрлар Улуғбек Қодиров ҳамда Фаррух Соёйлов эркак киши ҳаётда ҳар қандай қийинчиликка учрамасин, соғлом фикр юритган ҳолда метин ирода ва кучли сабр-бардош билан

йўл тутиши лозимлигини маҳорат билан кўрсатиб берган. Фильм саҳналаштирувчи режиссёр Рустам Саъдиев, сценарий муаллифи Мадина Мўминова, оператор Абдувоҳид Ғаниев ҳамкорлигида суратга олинди.

— Фильмда ҳаёт ғаниматлигини, инсонларни бир-бирига бўлган меҳр-эътиборини кўрсатишга ҳаракат қилдик, — дейди фильм режиссёри Рустам Саъдиев. — Фильмда ўзбек йигитларининг довураклиги, оғир вазиятга қарамай оила аъзоларини, турмуш ўртоғини ҳимоя қила олиши моҳирона кўрсатилган.

«Панох» икки қисмдан иборат бўлиб, комедия, драма ва трагедия йўналишлари билан умумлашиб кетган.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Мунажжим башорати

Янги танишувлардан далолат

26 июль, пайшанба Сабр-тоқатлилик, чидамлик ҳамда мустақил ҳаракатга интилиш бугунги куннинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Бугун қатъий режалар асосида иш юритишга уриниш, мунажжимларимиз фикрича, бефойда — ҳар қандай мўлжалнингизнинг бутунлай акси бўлиб чиқishi ҳеч гапмас.

Оймоманинг инсонларга муносабати зиддиятли бўлиши қутилади: жоҳил, ярамас одамлар устига кўпдан-кўп нохушликлар ёғилса, меҳр-муруватли инсонлар мадад ва қувватни ҳис этишади. Шафақни ёки учиб ўтаётган юлдузни кўриш бугун янги танишувлар ва тақдир тўқфаларидан дарак берувчи яхшилик аломати ҳисобланади.

— имкон қадар ўзингиз яхши билган ва хурмат қиладиган кишилар билан мулоқотда бўлиш; — зарурат туғилса — ҳуқуқшунос маслаҳатини олиш тавсия этилади.

Янги ишга қўл уришдан, дўстларингиз ва болаларингизга кўнглингизни очишдан, асаб тизимингиз ва товшу пайларингизни зўриқтиришдан, тасодифий танишувлардан, муғомбирлик қилиш, алдаш, ўйин қилишдан ўзингизни сақланг.

Кўк-яшил ранглар уйғунлигидаги ола-була матолардан тикилган либослар кунингизни безайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққати!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман ҳудудий табибиёт бирлашмаси маъмурияти ва касабаяшумаси кенгаши туман ҳудудий табибиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Абдуазим Абдуқариимович Содиқовга волидаи муҳтарамаси

Марҳамат СОДИҚОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди. Қоғоз бېчими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефон мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-1 2 3 4